

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.T03.04 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИШМУРАТОВ ХИКМАТ КАХАРОВИЧ**

**ЕЙИЛИШ МЕЪЗОНИ АСОСИДА ПАХТА ТЕРИШ  
МАШИНАЛАРИНИНГ ТИШЛИ УЗАТМАЛАРИ  
РЕСУРСИНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАШ**

**05.02.02 – Механизм ва машиналар назарияси, машинашунослик ва машина  
деталлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical  
sciences**

**Ишмуратов Хикмат Кахарович**

Ейилиш меъзони асосида пахта териш машиналарининг тишли узатмалари  
ресурсини назарий асослаш .....3

**Ишмуратов Хикмат Кахарович**

Теоритическое обоснование ресурса зубчатых передач хлопкоуборочных  
машин по критерию износа .....21

**Ishmuratov Xikmat Kaxarovich**

The theoretical rationale for the gear resource of cotton pickers by the criterion of  
wear.....39

**Список опубликованных работ**

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works .....43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.T03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИШМУРАТОВ ХИКМАТ КАХАРОВИЧ**

**ЕЙИЛИШ МЕЪЗОНИ АСОСИДА ПАХТА ТЕРИШ  
МАШИНАЛАРИНИНГ ТИШЛИ УЗАТМАЛАРИ  
РЕСУРСИНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАШ**

**05.02.02 – Механизм ва машиналар назарияси, машинашунослик ва машина  
деталлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.3. PhD/Т1310. рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифада ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Иргашев Амиркул**

техника фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Нуриев Карим Котибович**

техника фанлари доктори, профессор

**Шукуров Рустам Уткурович**

техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
илмий тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.28.02.2018.Т.03.04 рақамли Илмий кенгашнинг 24 декабрь 2019 йил соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч., 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: [tadqiqotchi@tdtu.uz](mailto:tadqiqotchi@tdtu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№126 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси., 2. Тел.: (99871) 246-03-41).

Диссертация автореферати 2019 йил 11 декабрь куни тарқатилди.  
(2019 йил 11 декабрдаги №126 - рақамли реестр баённомаси)

**К.А.Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
т.ф.д., профессор

**Н.Д.Тураходжаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
т.ф.д., профессор

**Р.И.Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда шестернялар ишлаб чиқарувчи компаниялар учун эксплуатация жараёнида тишли ғилдиракларнинг ейилишбардошлигини ва ресурсини таъминлаш масаласи етакчи ўринни эгаллайди. Шу билан бирга машина ва агрегатларнинг юритиш механизмларидаги асосий бўғин ҳисобланган тишли ғилдиракларнинг аниқлик кўрсаткичларини ва илашиш юзаларининг ейилишбардошлигини ошириш муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу борада қатор хорижий мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Германия, Россия, Хитой, Беларусия каби давлатларда тишли ғилдиракларнинг ишлаш кўрсаткичларини тадқиқ қилиш асосида янги технологиялар ишлаб чиқиш зарурати йилдан йилга ошиб бормоқда. Шу жиҳатдан тишли ғилдираклар ресурсини ошириш ва уларнинг эҳтиёт қисм сифатида талабини башорат қилиш ва ейилишбардошлигини, ҳамда рақобатбардошлигини оширишни таъминловчи технологияларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда ишлаб чиқиладиган тишли ғилдираклар ейилишбардошлигини ва ресурсини асослаш йўли билан эксплуатацион харажатларни пасайтириш, шунингдек улар қўлланиладиган машиналардан самарали фойдаланиш орқали олинган иқтисодий самарага боғлиқ бўлган ҳолда, мақсадли илмий изланишлар олиб бориш алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу йўналишда, жумладан тишли ғилдирак ишлаб чиқишда ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш, тишларнинг илашиш юзаларидаги мустақамликни таъминлаш ва уларнинг хизмат муддатини ошириш муҳим касб этмоқда. Тишли ғилдираклар эксплуатацион ресурсини ва ейилишбардошлигини ошириш, техникаларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишда туриш вақтини қисқартириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамиз мустақилликка эришган қисқа муддат ичида машиналардан фойдаланиш самарадорлиги, эксплуатацион ресурсини оширишга ва эҳтиёт қисмларга бўлган талабни пасайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу йўналишда тишли узатмаларни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш жараёнида уларнинг эксплуатацион ресурсини ошириш ва эҳтиёт қисмлар сарфини пасайтириш имконини берувчи қатор тадбир ва ечимлар ишлаб чиқилди. Жумладан машинасозлик деталларининг сифатини ошириш, уларни ишлаб чиқаришда ўлчам аниқлигини таъминлаш асосида хизмат муддатини ошириш, тишли ғилдиракларни ишлаб чиқишда қўлланиладиган жиҳозларни такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йиллар учун Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан”... ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш,...энг аввало, бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш,... ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш ва бунда

хизматларнинг замонвий турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш ...”<sup>1</sup> вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан тишли ғилдираклар ишлаб чиқишда модернизацияланган асбоб ускуналарни қўллаш, тишли ғилдиракларнинг ўлчам аниқлигини таъминлаш, ғилдирак тишларининг илашиш юзаларини текислигини таъминлаш ва тишли ғилдиракларнинг хизмат муддатини ошириш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони, 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сон “2017–2019–йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича истиқболли лойиҳаларни янада амалга ошириш чора–тадбирлари тўғрисида” ги , 2017 йил 7 июлдаги ПҚ–3117–сон “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий–техник базани янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида” ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ–3682–сонли “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий этиш тизимини янада такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида” ги, 2018 йил 10 майдаги ПҚ–3712–сон “Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида” ги, 2019 йил 4 апрелдаги ПҚ-4268-сон ”Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди. II “Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё амалиётида мобиль машиналар агрегатлари деталларининг ейилиши ва уларнинг ресурсини ошириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаси Q. J.Wang, Yan Yutao, T.Keller, P.Défosse, A.J.Koolen, P.Lerink, D.A.G.Kurstjens, M.Puppala, Дж.Шрайбфедер, Sun Hong, Chang Xiaofang, Wang Shuren, Ding Jinyuan, Q.J. Wang ва бошқаларнинг илмий ишларида келтирилган. Бу ишларда агрегатлари тишли узатмаларини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш жараёнида, уларнинг ейилиш тезлигини пасайтиришга қаратилган қатор амалий ва услубий тадбирлар ишлаб чиқилган. Уларга тишли узатма шестернялари учун ейилишбардошлик ва ресурсини таъминловчи материал танлаш, ғилдирак тишларига лазер ёрдамида, термомеханик ишлов бериш усуллари билан мустаҳкамлаш технологиялари, мобиль машиналардан фойдаланиш жараёни учун ейилишни пасайтирувчи, ишқаланиш сиртларини

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 – сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

тишлашиб қолишга қаршилигини оширувчи, ишқаланиш коэффицентини пасайтирувчи қўшимчалар (присадкалар) яратиган.

Турли шароитда ишловчи машина агрегатларининг очик ва ёпиқ тишли узатмаларининг ейилишбардошлигини ва ресурсини ошириш ва эҳтиёт қисм деталарига бўлган талабни пасайтириш, ейилган тишли ғилдиракларни тиклаш технологик жараёнларини ишлаб чиқиш, абразив муҳитда ишловчи машина агрегатлари деталларининг ейилишини ва уларни ейилишга бўлган таъсири пасайтиришга қаратилган тадқиқотлар қатор МХМлари олимлар, жумладан Н.К.Мышкин, Б.В.Виноградов, А.Ю. Ишлинский, М.М.Тененбаум, Ю.Н. Дроздов, В.В. Гриб, И.В. Сокол, С.А. Корнилович, Д.Н.Гаркунов, Г.И.Скундин, М.И. Городецкий В.П.Онищенко, Ю.Войнаровский ва бошқалар томонидан олиб борилган. Улар ўтказган тадқиқотларида мобиль машиналарнинг агрегатларини ресурсини ошириш мақсадида, ушбу агрегатларнинг асосий қисмлари ҳисобланган тишли ғилдиракларига мустаҳкамловчи термик ишлов беришни, илатиш шароитида агрегатларининг мойловчи материали таркибида тўпланиб боровчи абразив заррачаларнинг миқдорини пасайтириш усуллари ишлаб чиқилган.

Республикамизда машина агрегатларининг деталларини: тишли ғилдиракларни, думалаш подшипникларини, қишлоқ хўжалиги машиналари ишчи ускуналарини, сирпаниш пошипникларини азалдан эркин ҳолатда бўлган абразив заррачалар билан ейилишини пасайтиришга қаратилган услубиятлар Ў.А.Икромов, Қ.Х.Маҳкамов, А.И.Иргашев, Р.У.Шукуров, К.К.Нуриев ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган.

Аммо мазкур тадқиқотларда абразив муҳитда ишловчи очик тишли узатмаларининг ейилишбардошлиги, ресурси ва эҳтиёт қисмларга бўлган талаби масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий–тадқиқот ишлари режасининг №15–004 “Машина ва механизмларнинг куч узатиш агрегатларининг деталларини техник ҳолатини ишлатиш даврида бўлақларга ажратмасдан зудлик билан ташхислаш” (2009–2011) ва № Ф-2-27 “Мобил машина ва саноат ускуналари агрегатларининг тишли узатмалари ейилишбардошлилигини оширишнинг илмий асосларини яратиш” (2012–2016) лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ейилиш меъзони асосида пахта териш машиналарининг тишли узатмалари ресурсини назарий асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

атроф-муҳитнинг юқори чангланишида ишлайдиган очик тишли узатмаларнинг ейилишбардошлилиги ва ресурсига таъсир этувчи омиллар бўйича мавжуд изланишлар қўлланмаларини ўрганиш;

мавзу ва изланиш объектини асослаш, атроф-муҳит юқори чангланишда бўлганда пахта териш машиналар (ПТМ) пахта териш аппарати ажраткич тишли узатмасининг ейилишбардошлилигини ва ресурсини ошириш методологиясини ишлаб чиқиш;

ишқаланиш сиртида ушлаб қолинадиган ва очик тишли узатма тишларининг ейилиш жараёнида иштирок этадиган абразив заррачаларнинг ҳажмини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

ПТМ лар пахта териш аппарати ажраткич очик тишли ғилдиракларининг ейилишбардошлилиги ва ресурсини, агар тишли узатмалар тишлари орасида сирпаниш мавжуд бўлса ва бўлмаса, абразив заррачалар иштирокида ва иштирокисиз ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

атроф-муҳитнинг чангланиш шароитида ишлайдиган ажраткич очик тишли ғилдиракларнинг ейилишбардошлилигини ва ресурсини таъминлайдиган атроф-муҳитнинг рухсат этилган чангланишини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

материаллар танлаш ва термик ишлов бериш усуллари билан ПТМлар ажраткич очик тишли ғилдиракларининг ейилишбардошлилигини ва ресурсини ошириш методини ишлаб чиқиш;

пахта териш аппарати ажраткич тишли ғилдиракларининг ейилишбардошлилигини ва ресурсини ошириш натижасида олинган иқтисодий самарадорликни асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида пахта териш машинасининг ажраткич очик тишли узатмаси олинган.

**Тадқиқот предмети**ни пахта териш машинасининг ажраткич очик тишли узатмаси ейилишбардошлилигини ва ресурсини ошириш ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари** сифатида эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, абразив заррачалар иштирокида ва уларнинг иштирокисиз ишқаланиш юзаларида содир бўладиган материаллар толиқишига асосланган абразив ейилиш назарияси олинган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

атроф-муҳитнинг чангланиши шароитида тишларнинг понасимон тирқишлари зонасида абразив зарралар иштирокида, уларнинг майдаланишидан олдин ва кейин тишларнинг ғадир-будурлиги эвазига давом этадиган тишларнинг ейилишини ҳисоблаш илмий методологияси таклиф этилган;

тишли ғилдиракларнинг тишлари орасида сирпаниш мавжуд бўлганда ва мавжуд бўлмаганда абразив зарралар иштирокида ва иштирокисиз очик тишли узатмалар тишларининг ейилиш тезлигини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

очик тишли узатмаларнинг ейилиши ва ресурсини таъминлайдиган атроф-муҳитнинг максимал рухсат этилган чангланиш даражасини таъминлаш усули ишлаб чиқилган;

пахта териш аппарати ажраткич тишли ғилдираклари тишларининг ейилиш бардошлилигини баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

пахта териш аппарати ажраткич очик тишли ғилдираклари тишларининг ейилиш синов муддати илашиш модулини ҳисобга олган ҳолда асосланган;

пахта териш аппарати ажраткич тишли ғилдираклари тишларининг

ейилиш жараёнида иштирок этадиган ва тиш юзасида ушлаб қолинадиган абразив заррачаларнинг энг катта ҳажми аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

пахта териш аппарати ажраткич тишли ғилдиракларининг чекланган ейилиши ва ресурсини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилган;

чангланиш муҳитида ишлайдиган пахта териш аппарати ажраткич тишли ғилдираклари учун энг катта ейилишбардошли ва ресурсга эга материал танланган;

атроф-муҳитнинг юқори чангланишида ишлайдиган пахта териш аппарати ажраткич тишли ғилдиракларининг ейилишбардошлилиги ва ресурсини баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

катта бурчак тезлиги ва юқори ҳаво чангланишида ишлайдиган пахта териш аппарати ажраткич тишли ғилдираклари ресурсини ошириш ва тишларининг ейилишбардошлилигини баҳолаш усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Экспериментал тадқиқотларнинг олинган натижалари ишончлилиги замонавий усуллар ва компьютер ҳисоблаш дастурларини қўллаш, намуналардаги тишли ғилдиракларнинг ейилишбардошлилиги ва ресурсини экспериментал баҳолаш натижаларини аниқлаш ва қиёсий таҳлил қилиш, ишлаб чиқаришнинг етарли аниқлигини таъминлайдиган замонавий қурилмалар ва асбоблардан фойдаланиш билан таъминланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пахта териш аппаратининг зарур ресурсининг таъминланишини, тишли ғилдираклар тишининг ейилишбардошлилигини баҳолаш имконини берувчи аналитик боғлиқликларни ПТМларни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва ишлатиш босқичларида ҳисобга олишдир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пахта териш аппарати ажраткич етакланувчи тишли ғилдиракларининг материаллари ва термик ишлов бериш режимини танлаш, шунингдек, ишлаш жараёнида улардан унумли фойдаланишнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлигини асослашдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пахта териш машиналарининг ейилиш мезонлари асосида тишли узатмалар ресурсини асослаш бўйича олинган натижалар илмий натижалар асосида:

пахта териш машиналарининг ажраткич очик тишли узатмалари учун материал танлаш ва унга термик ишлов бериш режимлари “Қашқадарё Агросервис МТП” МЧЖ, “Сурхондарё Агросервис МТП” МЧЖ, “Сирдарё Агросервис МТП” МЧЖларга жорий этилган (“Ўзагросервис” АЖнинг 20.06.2019 йилдаги 09-03/03-844-сон (2009 йил 10 августдаги АК/11-182-сон) маълумотномаси). Натижада эркин ҳолатда ҳавода бўлган абразив заррачалар билан очик тишли узатмаларнинг ейилиш бардошлилиги ва ресурси даврий баҳоланиб, очик тишли узатмаларнинг ейилиш ва ресурс муддатини олдиндан аниқлаш натижасида техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда машинанинг самарасиз туриб қолиши 10–15% га камайган;

пахта териш машиналарининг ажраткич очик тишли узатмаларининг ейилиш назарияси “Қашқадарё Агросервис МТП” МЧЖ, “Сурхондарё Агросервис МТП” МЧЖ, “Сирдарё Агросервис МТП” МЧЖларга жорий этилган (“Ўзагросервис” АЖнинг 20.06.2019 йилдаги 09-03/03-844-сон (2015 йил 10 августдаги АК/11-182-сон) маълумотномаси). Натижада эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжни дастлабки аниқлаш натижасида машиналарнинг таъмирлашда самарасиз туриб қолиши 12–15% га қисқартирилишига имкон берган;

ажраткич тишли узатмалар ресурсларини ошириш “Қашқадарё Агросервис МТП” МЧЖ, “Сурхондарё Агросервис МТП” МЧЖ, “Сирдарё Агросервис МТП” МЧЖларга жорий этилган (“Ўзагросервис” АЖнинг 20.06.2019 йилдаги 09-03/03-844-сон (9/10/2019 йилдаги АК/11-182-сон) маълумотномаси). Натижада ўта чанг шароитда ишлайдиган ПТМлар очик тишли ғилдираклари юзасига жойлашиб қолган энг катта абразив заррачалар ҳажми аниқланиб, тишли ғилдираклар ресурси асосланиб, уларнинг жадал ейилишининг олдини олиш учун тезлаштирилган қарор қабул қилиш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий–амалий анжуманларида ва симпозиумларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий ишлар, шу жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси ОАК томонида тавсия эилган 6 журналларда мақолалар, жумладан хорижий нашрларда 3 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИ**


**Кириш қисмида** ушбу тадқиқотнинг долзарблиги ва заруратига асосланган тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилди, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланди, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги аниқланди, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, ишни синовдан ўтказиш натижалари, шунингдек чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби тўғрисидаги маълумотлар баён этилди.

Диссертациясининг **“Пахта териш машиналарининг очик тишли узатмаларининг ейилишбардошлилиги ҳолати”** деб номланган биринчи бобида пахта териш аппарати иш зонасида ҳавонинг юқори чангланиши ажраткич тишли ғилдиракларининг абразив ейилишига олиб келишига асосланган. Абразив заррачалар иштирокида ишқаланиш ейилиш юзаси, кенг спектри ва юқори концентрацияси, қаттиқ юзаларга физик ва кимёвий фаоллаштириш билан ностационар қаттиқ заррачалар алоқалари билан характерланади. Юзанинг ейилиши абразив заррачалар билан юзанинг бир ёки бир неча бор ўзаро ишқаланиши туфайли содир бўлиши мумкин. Бу ерда

юзанинг абразив зарралар билан деформацияланиши ва юзанинг чарчоғи туфайли ейилиш жараёни кўпроқ бўлиши мумкин. Экспериментал маълумотларни таҳлил қилиш натижалари ва ейилишнинг назарий қоидалари пахта териш аппаратининг ажраткич очик тишли ғилдираklarининг абразив ейилишининг математик моделини ишлаб чиқиш учун асос яратади. Шу билан бирга, ҳаводаги чангнинг энг паст концентрацияси 85 сантиметрга тенг баландликда кузатилганлигини, пахта териш машиналари агрегатларининг очик тишли узатмаларини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва ишлатишда эътиборга олиниши керак бўлган муҳим ҳолатдир. Башоратли ейилиш- бардошли ва очик тишли ғилдирак ресурси ҳақиқий қийматдан 4 мартадан кўпроқ фарқ қилиши мумкин. Бу шуни аниқлатадики, тишли ғилдираklarнинг ресурсини аниқлашнинг мавжуд усули тишларнинг ейилишбардошлилигига сезиларли даражада таъсир қилувчи қўшимча омилларни ҳисобга олган ҳолда аниқланиши керак.

Диссертациясининг **“Очик тишли узатмаларнинг ейилиш-бардошлилигига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш ва баҳолаш усуллари асослаш”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти асосланди ва танланди, тишларнинг ейилишбардошлилигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш усуллари келтирилди.

Пахта ҳосилини йиғиб–териб олиш даврида ПТМнинг юкланиши ўртача 30–35 иш кунини, мавсумий ишлаб чиқариш 500 мото-соатни ташкил этади. Шу билан бирга мавсумда 1000 дона ПТМлар учун тишли ғилдираklarининг энг кўп талаб этиладигани 14XB 34606  $z=12$ ;  $m=3$  мм пахта териш аппарати ажраткич тишли ғилдирагига тўғри келади; улар алмаштирилган тишли ғилдираklar умумий сонининг 1,33 алмаштириш коэффиценти билан 49,5% ни ташкил этади. Бинобарин, ажраткич тишли ғилдираги зарур ишончлилиги таъминламаганлиги учун пахта териш аппаратининг носозликлар оқими 1,7 мартага ортиб, натижада нормал фаолиятда бўлган ПТМларга нисбатан тишли узатмаларни дала шароитида алмаштириш бўйича тўхтаб қолишлари 1,5 марта ортиб кетади. ПТМларнинг туриб қолиши йиғим–терим ишлари ритмининг бузилишига ва ўрим–йиғим ишларини яқунлаш муддатларининг кечикишига, ўрим–йиғим даврида об–ҳаво шароитининг ёмонлашуви билан боғлиқ республика агросаноат тармоғида меъёрий харажатларнинг ошиб кетишига сабаб бўлади.



**1-расм. МИ–1М ишқаланиш машинасининг кинематик схемаси:**  
**1–электродвигатель; 2–сателлит; 3–тож тишли ғилдирак; 4–юқори намуна; 5 –**  
**пастки намуна; 6 – рама; 7 – юқори намунадаги тишли юритма.**

Етакланувчи тишли ғилдиракнинг ишдан чиқиши сабаблари таҳлили шуни кўрсатадики, улар ярқисиз ҳолатга келади: тишларнинг қалинлиги бўйича ейилиши-62%; тишларнинг пластик деформацияси-23 %; тишларнинг синиши-9%; тишлар юзаларининг қисиб қолиши-6%. Бу муаммо пахта териш аппарати ажраткич тишли ғилдиракларининг материали пўлат 40Хни юқори механик хусусиятларга эга бўлган пўлат материали билан алмаштириш орқали ҳал қилиниши мумкин.

МИ–1М ишқаланиш машинасида пахта териш аппарати ажраткич тишли ғилдираклари учун материал танлаш, синов тишларининг геометрик ва кинематик параметрларига мувофиқ 1– расмда келтирилган схема асосида тўрт жуфт тишли ғилдираклар роликлари намуналарида ўтказилди (тест натижалари 1– жадвалда келтирилган.). Дастлабки синов натижаларига кўра энг юқори ейилишбардошли, циклик тобланган ва кейин эса ТВЧда тобланган 65Г пўлатдан ясалган ролик намуналарида аниқланди.

1-жадвал

**Турли хил пўлат маркаларидан тайёрланган 14ХВ–34.606 z=12; m=3 ажраткич тишли ғилдираги ролик намуналарида ейилиш синовининг дастлабки натижалари**

Намуна вариантлари рақами	Шестерня материали 14ХВ–34.606	термик ишлов берилгандан сўнгги қаттиқлиги	Ейилишга синаш натижалари	Базавий вариантга кўра ейилишнинг камайиши
1	65Г циклик закалка, закалка ТВЧ.	HRC 56	0,31	1,000
2	65Г	HRC 56...60	0,59	1,903
3	30ХГТ	HRC 54 ...60	0,60	1,935
4	40Х	HRC 54 ...60	0,46	1,484

Ёзда пахтачилик туманларида чанг миқдори 4,0 г/м<sup>3</sup> гача етади. Чўлларда кумли бўронлар пайтида эса ҳавонинг чангганиши 17 г/м<sup>3</sup> гача кўтарилади.

Тупроқдан деталнинг юзасига қадар бўлган масофанинг ортиб бориши билан, ҳавода эркин ҳолатда бўлган абразив зарраларнинг ҳажми камаяди.

Тупроқда кварц заррачалари қанчалик кўп бўлса, уларнинг ейилиш қобилияти шунча баланд бўлади.

Ишқаланиш зонасига абразив заррачаларнинг доимий узлуксиз оқими таъминланганда синовни тезлаштириш коэффициенти:

$$K_a = \frac{N_{об}}{N_a}, \text{ бўлади} \quad (1)$$

бу ерда;  $N_{об}$ – намунанинг юзасида жойлашган абразив заррачаларнинг умумий сони;  $N_a$ – намуна атрофидаги ҳаво ҳажмида абразив заррачалар сони.

Ейилишбардошлилик синовининг секинлашув коэффициенти пахта териш аппарати ажраткич тишли ғилдирагининг ( $n_n=1500$  айл/м) ишқаланиш

машинасининг МИ–1М валининг айланиш частотаси ( $n_b=440$  айл/м) айланиш тезлигига нисбати билан белгиланади.

Етакланувчи тишли ғилдиракнинг ейилишбардошлилиги синовининг умумий тезлаштириш коэффициенти,  $K_y = \frac{K_a}{K_3}$  бўлади.  $K_y$  – эксперимент қиймати 360,3 га тенг олинади.

Моделлаштириш намуналари ўртасида содир бўладиган нисбий сирпанишнинг умумий даражаси, тишли узатмаларнинг тиши пахта териш аппарати ажраткич тишлари профилларининг алоқа нуктасида  $\psi_{2p} = \psi_o \cdot \psi_{zn}$  тенг бўлиб, намуналарнинг синовдаги ҳисоб–китоб қиймати 5,344 бўлади.

Диссертациясининг “**Очиқ тишли узатмаларнинг ейилишбардошлилиги**” деб номланган учинчи бобида пахта териш машиналарининг ажраткич очик тишли узатмаларининг ейилишбардошлилигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш усуллари баён этилган. Тишли илашманинг геометрияси ва кинематикасидан келиб чиққан ҳолда етакланувчи тишли ғилдиракнинг тишлари профилининг характерли алоқа нуктасида эгрилик радиуслари аниқланади. Бу ерда уларнинг энг катта ейилиши содир бўлади. Тишли ғилдиракнинг тишлари учун бундай нукта тиш каллаги юқори нуктасидир, бу ерда тиш баландлиги коэффициенти  $k=1$ . Ушбу илашиш нуктасида профилнинг эгрилик радиуси:

Етакланувчи тишли ғилдирак тиш каллаги;

$$r_{kn} = 0,5m\sqrt{z_w^2 \sin^2 \gamma + 4kz_w - 4k}, \text{ м} \quad (2)$$

Етакчи тишли ғилдирак тиш оёқлари;

$$r_{ku} = 0,5m\left(z_w(u+1)\sin \gamma - \sqrt{z_w^2 \sin^2 \gamma + 4kz_w - 4k}\right), \text{ м} \quad (3)$$

бу ерда  $m$  – илашиш модули;  $z_w$  – етакчи тишли узатма тишларининг сони;  $\gamma$  – илашиш бурчаги;  $k$  – тиш баландлиги коэффициенти;  $u$  – узатишлар нисбати.

Тишлар орасидаги сирпаниш йўли  $k=1$  бўлганда ҳисобланади,

$$C = \frac{\pi m(u+1)((z_w^2 \sin^2 \gamma + kz_w - 4k^2) - z_w \sin \gamma)}{z_k}, \text{ м} \quad (4)$$

бу ерда  $z_k$  – етакланувчи тишли ғилдиракнинг тишлари сони.

Очиқ тишли ғилдиракларнинг тишларини ейилиш жараёнида иштирок этадиган абразив заррачаларнинг энг катта ҳажмини баҳолаш учун пахта териш аппаратининг иш жойидаги ҳавонинг чангланиш даражаси доимий қийматга эга ва ўз вақтида у ўзгармасдир, қачонки абразив заррачаларнинг ҳаво ҳажмидаги миқдори  $v_b$  м<sup>3</sup>, атроф–муҳитнинг чангланиши  $\varepsilon_b$  г/м<sup>3</sup> бўлса,

$$N = \frac{\varepsilon_b v_b}{m_a}, \quad (5)$$

бу ерда  $m_a$  – ҳавода эркин ҳолатда бўлган шарсимон шаклга эга бўлган бир

дона абразив заррачанинг ўртача массаси.


Абразив заррачага таъсир қилувчи кучларни аниқлаймиз. Абразив зарраларни тиш каллаги (оёғининг) ишқаланиш юзасига босадиган куч,

$$P_{аз.н} = m_a m n_k^2 z_k (z_k \pm k). \quad (6)$$

Натижада пайдо бўлган марказдан қочма куч абразив заррачанинг марказига қўйилади ва тиш профилига кўра абразив заррачаларни унинг маркази С атрофида силжитишга интилади;

$$P_u = \frac{m_a v_k}{t_{cp}}, \quad (7)$$

бу ерда;  $v_k$  – ажраткич етакланувчи тишли ғилдираги думалаш тезлиги.



2-расм. Ажраткич етакланувчи тишли ғилдираги тиш юзасида ушлаб қолинган абразив заррачаларнинг энг катта ҳажмини ҳисоблаш схемаси

$P_f$  абразив заррача ва тиш юзаси орасидаги ишқаланиш кучи тиш ишқаланиш юзасида абразив заррачани ушлаб туради.

$$P_{fz.н} = P_{ар.н} f = m_a m n_k^2 f z_k (z_k \pm k), \quad (8)$$

бу ерда;  $f$  – тишли ғилдирак тиш каллаги юзасида ўтириб қолган абразив заррача ва тиш юзаси ўртасидаги ишқаланиш коэффиценти;  $m$  – илашиш модули.

Унда айланаётган етакланувчи тишли ғилдирак тиш каллаги юзасида ўтириб қолган абразив заррачанинг энг катта ҳажми;

$$d_{\max.н} = \frac{m^2 z_k f (z_k - k) = k) - \rho_{кz.н}^2}{\rho_{кz.н}} \quad (9)$$

Катта чангланиш шароитларида ишлайдиган очик тишли ғилдирак тишларининг ейилиш тезлигини тишлар орасидаги сирпаниш бўлганда ҳисоблаш учун қуйидаги ифода олинди:


$$\gamma_{a(k)} = \frac{0,000058875 \cdot \varepsilon_e \cdot \sigma_a^2 \cdot d_{cp}^2 \cdot n_k \cdot (6 \cdot H_k - \sigma_a)}{H_k^3 \cdot n_{p(k)} \cdot i \cdot L \cdot \gamma_a}, \quad (10)$$

бу ерда;  $\sigma_a$  – сиқишда абразив заррачалар мустаҳкамлиги;  $n_k$  – ажраткич етакланувчи тишли ғилдиракнинг айланиш частотаси;  $H_k$  – тишли ғилдирак


материалининг қаттиқлиги;  $n_{p(k)}$  – ишқаланиш юзасининг емирилишига олиб келувчи цикллар сони;  $i$  – ажраткич етакланувчи тишли ғилдиракнинг узатишлар нисбати;  $L$  – ажраткич етакланувчи тишли ғилдиракнинг тиши узунлиги;  $\gamma_a$  – абразив заррачалар зичлиги. Тишлар қалинлиги ёйилишининг чегараси асосида ҳисобланган тишли ғилдирак ресурси  $U_{np}$  ёйилиши аниқланди.

Кўриб чиқиладиган вариантда, энг юқори ёйилиш тезлиги ғилдирак тишининг қаллагиди содир бўлади  $R = \frac{U_{np}}{\gamma_{ak}} = \frac{0,1 \cdot \pi \cdot m}{\gamma_{ak}}$ .

Ажраткич етакланувчи тишли ғилдиракнинг таянч пўлат 40X ва тажрибадаги пўлат 65Г нинг ёйилиш тезлиги ва ресурсини ҳисоблаш натижалари аниқланди. Олинган натижаларда таянчдаги етакланувчи тишли ғилдирак ёйилиш тезлиги тажрибадагига нисбатан 39,25% га ортиқ, тажрибадаги етакланувчи тишли ғилдирак ресурси эса таянчдагига нисбатан шунчага кўпроқдир, 3- ва 4-расмларда абразив заррачалар ҳажмига қараб, етакланувчи тишли ғилдиракларнинг ёйилиш тезлиги ва ресурсининг ўзгариши келтирилган.



3-расм. 1-пўлат 40X, 2-пўлат 65Г




4-расм. 1-пўлат 40X, 2-пўлат 65Г


Илашиш модулининг катталаниши, узатишлар нисбатининг ва тишлар узунлигининг ошиши етакланувчи тишли ғилдирак тишларининг ёйилиш тезлиги камайишига олиб келади, бунда тишларнинг ёйилиши бўйича ресурси ортади.

Атроф-муҳитнинг чангланиши 0,95 дан 5,70 г/м<sup>3</sup> гача ортиши етакланувчи ғилдиракнинг ёйилиш тезлигини 2,45 мартага ошишига ва етакланувчи ғилдиракнинг ресурси эса шунчага камайишига олиб келди, бу эса чангнинг кўпайиши тишларнинг профилидаги абразив заррачаларнинг зичлигини ошириши ва ўз навбатида бу абразив зарралар ва ғилдирак тишларининг ишқаланиш сиртлари ўртасидаги алоқа майдонининг ошиши билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.

5- ва 6-расмларда етакланувчи ғилдиракнинг иш жойида атроф–муҳит ҳавосининг чангланишидан тишларнинг ейилиш тезлиги ва ресурснинг ўзгариши келтирилган.



5-расм. 1-пўлат 40X, 2-пўлат 65Г



6-расм. 1-пўлат 40X, 2-пўлат 65Г

Абразив заррачалар иштирокисиз алоқа тишларининг ейилиш тезлиги уларнинг алоқа кенглигига боғлиқ. Тишларнинг дастлабки ишқаланиш зонаси доираларида унинг қийматини ҳисоблаш учун қуйидаги боғлиқлик олинди:

$$B = \frac{3,04 \cdot \sqrt{P \cdot \rho_{np}} \cdot (1 - \mu^2)}{\sqrt{L \cdot E_{np}}}, \quad (11)$$

бу ерда  $P$  – тишли узатма берадиган айлана кучи;  $\rho_{np}$  – тиш профилининг келтирилган эгрилик радиуси;  $\mu$  – Пуассон коэффиценти;  $E_{np}$  – келтирилган модуль эластиклиги.

Абразив заррачалар иштирокисиз тиш ейилиш тезлиги:

$$\gamma_{d(k)} = \frac{910,8 \cdot h_k \cdot m \cdot (i+1) \cdot \psi \cdot n_k \cdot k \cdot \sigma_{из} \cdot P^{0,5}}{E_{np}^{0,5} \cdot \rho_{np} \cdot L \cdot (1 - \mu^2) \cdot z_k^2 \cdot c \cdot n_{pk} \cdot H_k}, \quad (12)$$

бу ерда;  $h_k$  – етакланувчи тишли ғилдиракнинг тиш юзасидаги ғадир будурлик чуқурлиги;  $\psi$  – тишли ғилдирак тишларининг нисбий сирпаниш коэффиценти;  $k$  – тиш баландлиги коэффиценти;  $\sigma_{из}$  – тиш оёғи букилишидаги зўриқиш;  $c$  – деформация коэффиценти.

Диссертациянинг “Пахта териш машиналари очик тишли узатмаларининг ейилишбардошлигини ва ресурсини ўрганиш, иқтисодий самарадорликни баҳолаш” деб номланган тўртинчи бобида пахта териш аппарати иш жойи атроф–муҳит ҳавосининг чангланишини ҳисоблаш натижалари, тишли ғилдирак ейилишбардошлилигини ва ресурсини таъминлаш, намуналарга термик ишлов бериш, материалларининг экспериментал тадқиқотлари натижалари ва ажраткич тишли ғилдиракларининг ейилишбардошлилиги ва ресурсини оширишдан

иктисодий самарадорликни баҳолаш баён этилган.


Максимал рухсат этилган ҳаво чангланиши пахта териш аппарати ажраткич тишли ғилдирагининг ишлаш жойи абразив заррачалар иштирокида тиш ейилиши тезлигини ҳисоблаш ифодаси асосида аниқланади. Пахтани машинада теришнинг мавсумийлиги ва масъулиятини ҳисобга олган ҳолда тишли ғилдирак тишларининг қалинлиги бўйича чегаравий ейилиш даражаси илашиш қадамига нисбатан 20% га тенг.

Унда тишли ғилдирак ейилишбардошлилиги ва ресурсини таъминлайдиган атроф–муҳитнинг чегаравий чангланиши қуйидагича бўлади:

$$[\varepsilon_e] = \frac{[\gamma_{ак}]^2 \cdot H_k^4 \cdot n_{pk}^2 \cdot \gamma_a \cdot z_k^2 \cdot z_{ш}^2 \cdot L^2 \cdot i^2}{4,52 \cdot k_a \cdot m^3 \cdot \sigma_a^4 \cdot \Gamma_k^2 \cdot d_{cp} \cdot n_k^2 \cdot (z_k - k)^2 \cdot \psi_2^2}, \quad (13)$$

бу ерда;  $[\gamma_{ак}]$  – абразив заррачалар иштирокида тишларнинг чегаравий рухсат этилган ейилиш тезлиги.

7-расмда тасвирланган етакланувчи тишли ғилдиракларнинг ишлаш жойида абразив заррачанинг ҳажмига қараб атроф - муҳитнинг чегаравий рухсат этилган чангланишининг сонли ҳисоби, абразив заррачалар ҳажми ортиши тишларнинг ейилиш бардошлигини таъминлайдиган, абразив заррачаларни максимал рухсат этилган чангланишининг ўсишига олиб келиши кўрсатилган. Бунинг сабаби кичик абразив заррачалар ҳавода эркин ҳолатда каттароқ абразив заррачаларга нисбатан узоқроқ вақт туриб қолиши мумкин.



7-расм. Абразив заррачаларнинг катталигига қараб етакланувчи тишли ғилдиракнинг чегаравий рухсат этилган ҳаво чангланиши ўзгариши:  
1–пўлат 40Х; 2–пўлат 65Г.


Абразив зарралар ҳажмининг ошиши тишларнинг ейилиш-бардошлилигини таъминловчи абразив заррачаларнинг чегаравий рухсат этилган чангланишини оширади, алоқа модули ва айланиш частотасининг

ортиши билан ушбу кўрсаткич моҳияти камаяди. Олинган ҳисоб–китоб натижалари шуни кўрсатадики, 65Г пўлатдан тайёрланган синов вариантыда ишлаб чиқарилган тишли ғилдирак 40X пўлатдан ишлаб чиқарилнинг асосий вариантга нисбатан 1,9 марта кўп чегаравий рухсат этилган ҳаво чангланишига эга.


4 та ишқаланиш жуфтликлари синовдан ўтказилиб, биринчи жуфтликда катта ейилишбардошлилик кузатилди, жумладан 40X пўлатдан ясалган (етақланувчи тишли ғилдирак ейилишбардошлилик коэффиценти 1,484 билан) 860°C ҳароратда нитроцементация термик ишлов билан 8 соат давомида, 820°C га қадар совутиш, 220–240 °C ҳароратда селитрали ваннада 20 дақиқа давомида совутиш, сувга ботириш, 1соат давомида 220...240°C ҳароратда печда юмшатиш, қаттиқлиги HRC 54...60, қаттиқлаштирилган қатламинг қалинлиги энг камида 0,6 мм, намуна ядросининг қаттиқлиги HRC 50, ва пўлат 65Г (етақланувчи тишли ғилдирак, ейилишбардошлик коэффиценти 1,000 билан), термик ишлов бериш, 400...500°C ҳароратда юқори частотали ток билан қиздириш 2...3 сония, ҳавода 100...200°C гача ораликда совутиш, 900–980°C юқори частота ток билан қиздириш, мойда совутиш, 1 соат 200±10 °C да юмшатиш, намуна материал қаттиқлиги HRC 61, тишлар қалинлиги бўйича тобланган. Ўз навбатида термик ишлов беришга қараб, қуйидаги ўринлар аниқланди: пўлат 40X (1,581 ейилишбардошлик коэффиценти билан) пўлат 40X (1,645 ейилишбардошлик коэффиценти билан) намуналар; пўлат 30XГТ (2,548 ейилишбардошлик коэффиценти билан) пўлат 30XГТ (2,226 ейилишбардошлик коэффиценти билан) намуналар; пўлат 30XГТ (2,935 ейилишбардошлик коэффиценти билан) пўлат 65Г (1,903 ейилишбардошлик коэффиценти билан).

Ейилишбардошлик намуналари синовлари МИ–1М ишқаланиш машинасида, абразив заррачалар синов намуналарининг тўлиқ алоқа кенглигини камраб олган ҳолда, намуналарнинг илашиш зонасига абразив заррачалар оқим билан узлуксиз узатилиши шароитида ўтказилди. Етақланувчи тишли ғилдиракни синовдан ўтказиш натижалари таянчдаги пўлат 40X ва тажрибадаги пўлат 65Г материалларидан тайёрланган намуналар 8-10-расмларда келтирилган, ҳавонинг чангланиши 0,95 г/м<sup>3</sup> дан 5,70 г/м<sup>3</sup> гача ошиши билан тишли ғилдирак ейилишбардошлилиги ва ресурси 2,4 марта камаяди, бу эса ҳаво чангланишининг ошиши билан ишқаланиш сиртининг ягона майдонида жойлашган абразив зарралар пропорционал ортиб бориши билан изоҳланади, натижада ейилиш жараёнида иштирок этувчи абразив заррачалар сони ортади. 40X ва 65Г пўлатдан ясалган тишли ғилдирак материалининг қиёсий синови ейилишбардошлик ва ресурс 40X пўлатдан ясалган намунага нисбатан 65Г пўлатдан ясалган намунада 1,5 марта кўпроқ эканлигини кўрсатди.


Шундай қилиб, пахта териш аппарати ажраткич етақланувчи тишли ғилдирак ейилишбардошлилиги ва ресурсига таъсир этувчи омиллар тадқиқот экспериментал натижалари пўлат 65Г ясалган намунада катта эканлигини кўрсатди.



8-расм. Ҳавонинг чанглишига қараб етакланувчи тишли ғилдирак намунасининг ейилиш тезлиги ўзгариши: 1–пўлат 40X; 2–пўлат 65Г



9-расм. Ҳавонинг чанглишига қараб етакланувчи тишли ғилдирак намунаси ресурсининг ўзгариши: 1–пўлат 40X; 2–пўлат 65Г



10-расм. Ҳавонинг чанглишига қараб тишли ғилдирак намунасининг синов муддати ўзгариши: 1–пўлат 40X; 2–пўлат 65Г.

Сирдарё, Қашқадарё ва Сурхандарё вилоят хўжаликларида мавжуд 843 дона МХ–1,8 русумли пахта териш машиналарининг ресурсини ошириш натижасида кутилаётган йиллик иқтисодий самара:

$$\text{ЭЭ}_0 = \text{ЭЭ}_{\text{пр}} + \text{ЭЭ}_{\text{п}} = 96841,3 + 83035,5 = 179876,8 \text{ минг сўм.}$$

## ХУЛОСА

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация иши бўйича ўтказилган «Ейилиш меъзони асосида пахта териш машиналарининг тишли узатмалари ресурсини назарий асослаш» мавзусидаги тадқиқот натижаси асосида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Ажраткич тишли ғилдираklarининг тишлари ейилишбардошлигининг таъминланмаганлиги оқибатида пахта териш аппарати буйича носозликлар оқими ва шунинг учун пахта териш машинасининг жорий таъмирлашга туриб қолиш вақти кўпайишини аниқлаш услубияти ишлаб чиқилди. Бу услубият ажраткич етакланувчи тишли ғилдираklarнинг ишдан чиқиши ва таъмир талаблик даражасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

2. Абразив заррачалар иштирокида ва иштирокисиз етакланувчи тишли ғилдираklar тишларининг ейилиш тезлигини ҳисоблашга имкон берувчи, уларнинг сирпанишсиз думалаш, тишли ғилдирак орасида сирпаниши содир бўлганда, абразив заррачаларга таъсир этувчи кучлар, абразив зарралар ва ишқаланиш юзалари ўртасидаги ишқаланиш коэффициентига боғлиқ бўлиш методикаси ишлаб чиқилди. Бу методика айланаётган тишли ғилдираklarининг тишлари ейилиш юзасида ушланиб қолинаётган ва тишларнинг ейилишида иштирок этаётган абразив заррачаларнинг энг катта ўлчамини ҳисоблаш имконини беради.

3. Узатишлар нисбатининг ошиши билан етакланувчи тишли ғилдирак ишлаш жойида, атроф-муҳитнинг чегаравий рухсат этилган чангланишининг ортиши, ушбу нисбат 0,3га тенг бўлганда атроф-муҳитнинг чегаравий рухсат этилган чангланиши етакланувчи тишли ғилдирак пўлат 65Г дан ясалганда, пўлат 40Хдан ясалган тишли ғилдиракга нисбатан 2,6 мартага юқорилиги, етакланувчи тишли ғилдирак айланишлар частотасининг 10 айл/с дан 35 айл/с гача ошганда атроф-муҳитнинг чегаравий рухсат этилган чангланишини 12,2 мартага камайишини баҳолаш имконини берувчи назарий боғланишлар келтириб чиқарилган. Бу назарий боғланишлар тишли ғилдираklar учун мустаҳкамлиги юқори бўлган материал танлаш учун хизмат қилади.

4. Пахта териш машиналарининг ажраткич очик тишли узатмаларининг ейилишбардошлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш услубияти ишлаб чиқилди. Бу услубият тишли илашманинг геометрияси ва кинематикасидан келиб чиққан ҳолда етакланувчи тишли ғилдиракнинг тишлари профилининг характерли алоқа нуқтасида эгрилик радиусларини аниқлаш учун хизмат қилади.

5. Юқори чангланишда ишлайдиган очик тишли узатмаларнинг белгиланган ейилишбардошлик ва ресурсини таъминловчи атроф муҳитнинг энг катта рухсат этилган чангланишни ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилди. Бу методика етакланувчи тишли ғилдирак ейилиш тезлигини пасайтириши ва улардан фойдаланиш ресурсини узайтириш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
ДОКТОРА НАУК DSC.27.06.2017. FM/Т.03.04 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И  
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**  

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ИШМУРАТОВ ХИКМАТ КАХАРОВИЧ**

**ТЕОРЕТИЧЕСКОЕ ОБОСНОВАНИЕ РЕСУРСА ЗУБЧАТЫХ  
ПЕРЕДАЧ ХЛОПКОУБОРОЧНЫХ МАШИН ПО КРИТЕРИЮ  
ИЗНОСА**

**05.02.02 – Теория механизмов и машин, машиноведение и детали машин**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.3. PhD/T1310.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу [www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz) информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Иргашев Амиркул</b> доктор технических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Нуриев Карим Котибович</b> доктор технических наук, профессор <b>Шукуров Рустам Уткурович</b> доктор технических наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Научно исследовательский институт механизации сельского хозяйства</b>

Защита диссертации состоится 24 декабря 2019 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.28.02.2018.T.03.04 при Ташкентском государственном техническом университете и Национальном университете Узбекистана. Адрес: 100095, г.Ташкент, ул.Университетская, 2. Тел.: (99871)227-10-32; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: [tadqiqotchi@tdtu.uz](mailto:tadqiqotchi@tdtu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета за №126, Адрес: 100095, г.Ташкент, ул.Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz).

Автореферат диссертации разослан 11 декабря 2019 года.  
(протокол рассылки №126 от 11 декабря 2019 г.).

**К.А.Каримов**

Председатель научного совета по присуждению  
учёной степени д.т.н., профессор

**Н.Дж.Тураходжаев**

Учёный секретарь научного совета по присуждению  
учёной степени д.т.н., профессор

**Р.И.Каримов**

Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению учёных степеней д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире для компаний, производящих шестерни, важное значение имеет повышение износостойкости и ресурса зубчатых колес в процессе эксплуатации. Вместе с тем, повышение износостойкости поверхности зацепления и точности показателей зубчатых передач, являющихся основными звеньями крутящих механизмов и машин, является одной из важнейших проблем. С каждым годом возрастает необходимость разработки новых технологий на основе изучения показателей эффективности зубчатых колес в ряде зарубежных стран, в том числе, в США, Германии, России, Китае, Беларуси. В этой связи особое внимание уделяется созданию технологий, обеспечивающих повышение ресурсов зубчатых колес и прогнозирование их спроса как запасной части, а также повышение их износостойкости и конкурентоспособности.

Особое значение имеет снижение эксплуатационных затрат, основанных на износостойкости и ресурсоемкости разрабатываемых в мире зубчатых колес, а также проведение целенаправленных научных исследований в зависимости от экономической эффективности, полученной за счет эффективного использования машин, на которых они применяются. В этом направлении, в том числе в производстве зубчатых колес, важную роль играют разработка ресурсосберегающих технологий, обеспечение прочности на поверхностях модуля зацепления и увеличение срока их службы. Одна из важных задач заключается в повышении эксплуатационного ресурса и износостойкости зубчатых колес, сокращении времени простоя при ремонте и техническом обслуживании техники.

За короткий срок Независимости республики особое внимание уделялось повышению эффективности использования, повышению эксплуатационного ресурса и снижению потребности деталей, используемых в качестве запасных частей для сельскохозяйственных машин и повышению их эксплуатационного ресурса в процессе эксплуатации, разработаны ряд мероприятий по решениям, позволяющим снижать расходы на запасные части. В том числе, принимаются меры по улучшению качества деталей машин, увеличение срока их службы на основе обеспечения показателей точности и совершенствованию оборудования, используемого при производстве зубчатых колес.

В стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены задачи по "...модернизации производства, техническому и технологическому обновлению производства,...прежде всего за счет замены импортных компонентов,...обеспечение конкурентоспособности национальных товаров на внутреннем и внешнем рынках, за счет коренного изменения типов современных услуг и стремительное развитие сферы услуг."<sup>1</sup>

Настоящее диссертационное исследование, в определенной степени, служит для выполнения задач, предусмотренных в следующих нормативно-правовых документах Республики Узбекистан: Указе Президента №4947 от 7

февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлении ПП №2698 от 26 декабря 2016 года «О мерах по дальнейшей реализации перспективных проектов локализации производства готовых видов продукции, комплектующих изделий и материалов на 2017-2019 годы», ПП №3117 от 7 июля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию научно-технической базы в сфере сельскохозяйственного машиностроения», ПП №3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», ПП №3712 от 10 мая 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию механизмов современному оснащению сельского хозяйства сельскохозяйственной техникой», ПП №4268 от 04 апреля 2019 года «О дополнительных мерах по своевременному оснащению аграрного сектора сельскохозяйственной техникой», а также в других документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики П. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

